

Балиқларни цестодлар билан зарарланиш даражасини текшириш натижалари

Балиқ турлари	Текширилган балиқ сони	Шундан		Топилган ботрицефалалар
		Зарарланган	%	
Карп	21	4	19.0	4
Сазан	25	6	24.0	6
ЖАМИ	46	10	21.7	10

Шундай қилиб, олиб борилган текширувларимизда балиқларнинг *Bothriocephalus acheilognathi* билан зарарланиш даражаси ўртача 21,7% ни ташкил қилди. Республикамизда балиқларнинг *Bothriocephalus acheilognathi* касаллигини йил сайин ўсиб бориши, бизнингча, Орол денгизининг қисқариб бориши натижасида унинг қирғоқларида уя курган балиқхўр паррандаларни Республикамизнинг марказий ва жанубий ҳудудларига учиб келиши ва яшаши оқибати натижасида келиб чиқмоқда. Чунки кўзғатувчиларнинг асосий хўжайинлари балиқхўр паррандалар ҳисобланади.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Республикамизнинг сунъий сув ҳавзаларида балиқларнинг цестодлар билан зарарланиш даражаси ўртача 21,7 %ни ташкил қилиб, унинг йил сайин ўсиб бориши кузатишмоқда.

2. Дифиллоботриоз бўйича носоғлом хўжаликлардан овланган балиқларни хом ёки яхши пиширилмасдан туриб ҳайвонларга едирмаслик. Қишда балиқларни исътемолга чиқаришдан олдин уларни музлатиш мақсадга мувофиқдир.

3. Хом балиқларни 14 кун давомида тузлаш тавсия этилади.

ЭХИНОКОККОЗ КЎЗГАТУВЧИНИНГ ПАРАЗИТОЦЕНОТИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ

**Э.Р.Махмудов, С.Ахмедова – магистратура талабалари,
Б.С.Салимов - профессор**

Аннотация: В статье проведены данные по изучению инвазии печени крупного рогатого скота зараженной возбудителем принадлежащего к типу Plathelminthes классу Cestoda вид *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786), при котором наблюдается осложненное течение болезни. Изучен паразитоценоз возбудителя заболевания цестодоза паразитирующего в печени.

Калит сўзлар. Эхинококкоз, цестодоз, корамол.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз шароитида корамолларнинг паренхиматоз органларида учрайдиган гельминтозларни эпизоотологик ҳолатини ўрганиш, уларга қарши такомиллашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда энг кўп содир бўладиган касалликлар оқибатида ҳайвонларнинг ўлим ва мажбурий сўйилишини олдини олиш жойларда гўшт ва сут маҳсулдорлигини оширишга имкон беради. Ҳукуматимиз томонидан шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида корамолчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Аммо ушбу соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар кўп. Уларга, корамоллар орасида учраб турадиган, ҳайвонларнинг ўлимига, кўпинча эса уларнинг мажбурий сўйилишига олиб келувчи цестодларнинг личинкалари кўзгатадиган гельминтоз касалликларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотлар объекти ва услублар. Тадқиқотлар 2016-2017 йилларда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги эхинококкозга носоғлом бўлган аҳоли қармоғидаги мажбурий сўйилган 57 бош корамолларнинг жигарини тўлиқ гельминтологик ёриш йўли билан ажратиб олинган гельминтлар сонини аниқлаш орқали бажарилди.

Олинган натижалар таҳлили. Эхинококкоз кўзғатувчиси – *E.granulosus* нинг барча ривожланиш босқичлари эндоген шароитда кечади ва унинг тараққиётида умуртқасиз

хайвонлар иштирок этмайди. Ҳар бир ҳудудда эса паразитнинг ҳам оралик (қишлоқ хўжалик хайвонлари, одам), ҳам асосий (итлар ва бошқа айрим гўштхўрлар) хўжайинлари учрайди. Шу сабабли эхинококкоз республиканинг оралик хўжайинлари яшайдиган барча ҳудудларда тарқалиш имкониятига эга. Энг муҳим асосий хўжайин ҳисобланувчи итларнинг эхинококклар билан зарарланишида антропоген омил асосий роль ўйнайди, ушбу омил таъсири эса йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Оралик хўжайин организмида эхинококкнинг пуфаксимон личинкалари тўқималарни бузиб, йилдан йилга тўхтовсиз ўсиб боради ва айрим ҳолатларда бутун органни эгаллайди. Бундан ташқари паразит личинкалари модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган захарли маҳсулотларини хўжайин организмига ажаратиб туради.

Текширишларимизга кўра мажбурий сўйилган 57 бош қорамолларнинг 19 бош эхинококк билан зарарланганлиги кўрсатди. Шундай қилиб қорамолларнинг 33,3 фоизда эхинококкоз пуфаклари учраганлиги аниқланди. 19 бош қорамолларнинг жигарида 3 нусхадан 51 нусхагача *E.granulosus* нинг пуфаклари топилди. Ҳатто, икки нусхасида саноксиз жуда юқори даражада зарарланган ёнғоқ шаклидан товук тухумидек ва ундан ҳам йирик ҳажмдаги эхинококк пуфаклари мавжуд эди.

Эхинококкозга чалинган ҳайвонларга нотўғри ташхис қўйиб даволаш, муолажаларини ўтказиш натижасида мажбурий сўйилган қорамоллар жигаридаги эхинококк пуфаклари ичи йиринга тўла бўлиб, турли хил катталиқдаги абсцеслар пайдо бўлган.

Хулоса: Самарқанд вилояти шароитида қорамолларнинг эхинококкознинг ларвалли шакли томонидан содир этиладиган жигардаги патологик жараён ривожланишига салбий тасир кўрсатиши ва уни паразитоценозда муҳим ўрин тутиши аниқланди.

КОРОТКО ОБ ЭХИНОКОККОЗЕ

С.С.Ахмедова, Э.Р.Махмудов – студент магистранты,
П.С.Хакбердиев - доцент

Ключевые слова: эпизоотия, эпидемия, эхинококкоз, гидатидозы, ларвальные цестодозы, онкосфера, сколекс, протосколекс.

Актуальность темы. В настоящее время учеными установлено, что в результате смещения положения земной оси изменяются электромагнитные частотные характеристики всех участков территории планеты. Это способствует появлению новых видов-мутантов среди микроорганизмов и перемещению уже известных видов в новые районы земного шара. И если раньше в европейских странах эхинококкоз был редким эпизоотическим заболеванием, то в настоящее время он стал уже достаточно распространенным. Отсутствие научных разработок по проблеме паразитарных заболеваний мешают своевременной диагностике этого грозного заболевания.

Что же представляет собой эхинококкоз?

В лице эхинококка мы имеем дело с высокоорганизованными существами, имеющими своеобразную иерархию и обладающими исключительной приспособляемостью к любым условиям. Напрашивается параллель: как человек – самое высокоорганизованное существо среди животного мира Земли, так и эхинококк – самый развитый и совершенный вид среди микромира. Сразу хочу пояснить, что заболевание вызывают не взрослые черви, а пузыри с их личинками. Термины «однокамерный» и «многокамерный» обозначают различные формы развития именно деток паразита.

Этот паразит фактически имеет два варианта устройств – I и II стадии. I стадия – это взрослые половозрелые ленточные черви. Они обосновываются в тонком кишечнике организма-хозяина, попадая в него в виде сколексов – головок паразита. Сколексы, в свою очередь, встречаются в органах животных. Следовательно, основными хозяевами должны быть хищники – плотоядные животные, поедающие зараженное сколексами паренхиматозные органы, в основном печень и легкие продуктивных животных. Хищники,